«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Ғиждувон туман маҳалла ва
нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими
раҳбари

________ З.Фузайлов
«10» ноябр 2022 йил

# Ғиждувон туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими балансига олинадиган Пластмасса труба учун

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Ғиждувон туман - 2022 йил

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА
## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: Ғиждувон туман маҳалла ва нуронийларни кўллаб кувватлаш бўлими балансига олинадиган Пластмасса труба 208 метр 24 000 сўмдан жами 4 992 000 сўм

1.2.Танловнинг юкори киймати: 4 992 000 (Турт миллион туккиз юз туксон икки минг) сўм. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чикилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Танлов хужжатларида илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Ғиждувон туман маҳалла ва нуронийларни кўллаб кувватлаш бўлими (бундан кейин- "Буюртмачи" деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
"Буюртмачи" манзили : Ғиждувон туман Сардор МФЙ

2.2.Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Ғиждувон туман маҳалла ва нуронийларни кўллаб кувватлаш бўлими "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатлар ва ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- 684-Конун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Танлов объектига ўхшаш объектлардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги:
- Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги йуклиги тугрисида
- Катнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, мижоз билан суд ёки хакамлик мухокамаси холатида булмаганлиги тугрисидаги кафолат хати.
- Иштирокчи корхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувохнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар
- Ишларни бажариш муддати Кафолат хати

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш(ажралиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар: мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## 4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН
## ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилан бўлиши керак.
Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдикланган ҳолда ёки ҳар бир варoғини муҳрлаб тасдиклаган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.3.Қуйидаги хужжатлар тўлик бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:
Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади).

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- такдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига тўлик жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқукига эга.

## 5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун таълукли ҳолда эълон килинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилишининг карори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор қабул килиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ғиждувон туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими раҳбари

_____________ З.Фузайлов
«10» ноябр 2022 йил

Ғиждувон туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими балансига олинадиган Пластмасса труба учун

# ТЕХНИК ТОПШИРИК

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Ғиждувон туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими балансига олинадиган Пластмасса труба |
| 2 | Буюртмачи | Ғиждувон туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими |
| 3 | Буюртма учун асос | Ғиждувон туман |
| 4 | Объект жойлашган ўрни | Ғиждувон туман Сардор МФЙ |
| 5 | Қатнашувшилар учун талаблар | Ғиждувон туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими балансига олинадиган Пластмасса труба |
| 6 | Тижорат таклифини тақдим этиш учун шартлар | Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома |
| 7 | Бажарилган ишлар хисоб китоби | Товарлар етказилганлиги ҳақида счёт фактура тақдим қилингандан сўнг |
| 8 | Ишни бажариш муддати | 2022 йил ноябрьдан 2022 йил 10 - декабрьгача |
| 9 | Техника хавфсизлиги бўйича талаблар | Иш бажарилаётган вақтида техника хавфсизлиги қоидаларига тўла амал қилиниши шарт |
| 10 | Молиялаштириш манбаи | Ғиждувон туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими бюджет маблағлари хисобидан |
| 11 | Молиялаштириш манбаи | 4 992 000 сўм |